



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

20 21-yil “16” yanvar

К-34 -son

Termiz sh.

Бойсун тумани “Дуоба” массиви Жўжабулоқ участкаси худудидан Бойсун тумани Спортнинг миллий кураш турига ихтисослаштирилган мактаб интернатига ёзги машғулот ўтказиладиган спорт мажмуаси қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5, 87-моддларига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 28 декабрдаги 03-02/836-сон йиғилиш баёни, Бойсун тумани ҳокимининг 2020 йил 04 ноябрдаги 01-05/268-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Бойсун тумани “Дуоба” массиви Жўжабулоқ участкаси худудидан Бойсун тумани спортнинг миллий кураш турига ихтисослаштирилган мактаб интернатига туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 103-дала контуридаги 10,0 гектар яйлов ер майдони ёзги машғулот ўтказиладиган спорт мажмуаси қурилиши учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (Ж.Усмонов)га ажратилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботиغا тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига

мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Суванкулов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов